



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Халқаро амалиётда солиқ муносабатларининг айрим жиҳатлари

Сарвар Махмудов

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқарув академияси докторантни
Ёзишмалар учун электрон почта: sarvar.mahmudov@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 24.05.2023
Қабул қилинган вақти: 07.06.2023

Таянч сўз ва иборалар: солиқ, солиқ муносабатлари, солиқ тизими, солиқ тушумлари, экологик солиқ, халқаро солиқ рақобатдошлиги индекси

Аннотация

Мақолада солиқ муносабатлари айрим жиҳатларини тадқиқ қилишда хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ёндашувлари ва фикрлари ўрганилган. Хусусан, халқаро амалиётда солиқ органларининг асосий функциялари, халқаро солиқ рақобатдошлиги индекси кўрсаткичлари, мамлакатларда солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳамда Канада, Финландия, Эстония каби давлатларда солиқ муносабатларининг айрим ташкилий жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган. Халқаро амалиётда солиқ муносабатларининг айрим жиҳатларини ўрганиш асосида тегишли хуносалар ва таклифлар шакллантирилган.

Some aspects of tax relations in international practice

Sarvar Mahmudov

Doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
Corresponding author email: sarvar.mahmudov@mail.ru

ARTICLE INFO

Received: 24.05.2023
Accepted: 07.06.2023

Key words: tax, tax system, tax revenue, environmental tax, tax relations, international tax competitiveness index.

Abstract

The article examines the scientific approaches and opinions of foreign and domestic researchers in researching some aspects of tax relations. In particular, the main functions of tax authorities in international practice, indicators of the international tax competitiveness index, the share of tax revenues in countries' GDP, and some organizational aspects of tax relations in countries such as Canada, Finland, and Estonia were comparatively analyzed. Based on the study of some aspects of tax relations in international practice, relevant conclusions and proposals have been formed.

Кириш

Исталған мамлакатнинг иқтисодиёти ва давлат бошқарувига эътибор қаратилса, иқтисодиётнинг ривожланиши ва давлат бошқарувининг самарали йўлга қўйилишида давлат солиқ сиёсатининг ўрни муҳим ҳисобланади. Шу сабабли давлат фискал сиёсатини юритища солиқ муносабатларини самарали шакллантиришга алоҳида ёндашиш лозим. Чунки, мамлакатда мавжуд солиқ юки даражаси, солиқ турлари, солиқ базаси, солиққа тортиладиган фаолият

турларининг қамрови кабилар солиқ муносабатларига сезиларли таъсир кўрсатади ҳамда давлат бюджети даромадларининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш орқали солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш имконияти юзага келади. Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ муносабатларини ислоҳ қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳал қилиниши лозим бўлган

масалалар етарлича топилади. Хусусан, иқтисодиётда давлат улушининг юқорилиги солиқ имтиёzlари ва преференцияларининг самараcиз қўлланилишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда солиқ юкининг юқори даражаси сақланиб қолаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Солиқ тўловчилари ҳамда солиқ органлари ўртасида солиқ муносабатларини самарали ташкил этишни инобатга олиш лозим. Солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш мамлакатимиз солиқ тизимидағи муносабатларда мавжуд баъзи муаммоларни ижобий ҳал қилишда кўл келади. Шу сабабли, ҳалқаро амалиёт асосида солиқ муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш долзарблик касб этади.

Адабиётлар шарҳи

Солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш барча мамлакатларда муҳим масалалардан эканлигини қайд этиш лозим. Шу сабабли, кўплаб хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар солиқ тизимларининг хусусиятларини ўрганишган ҳамда солиқ муносабатларини оптималлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришиган. Солиқ соҳасига алоқадор илмий ишлар ва тадқиқотлар моҳиятан турли-туман бўлиб, уларнинг айримлари солиқ сиёсати муаммоларига бағишлиланган бўлса, бошқалари солиқ маъмурчилиги элементларини қамраб олади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда солиқ сиёсатининг яшил иқтисодиётга тааллуқли масалалари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилемоқда. Хусусан, Fendrich ва бошқаларнинг фикрича, экологик сиёсатда фискал воситалар истеъмол ёки иқтисодий фаолиятни рафbatлантириш ёки қисқартириш учун ишлатилади ва одатда иккита кенг тоифага бўлинади: субсидиялар ва солиқлар. Биринчи тоифадаги фискал воситалар иқтисодий субъектларнинг давлат иқтисодий мақсадларига мос келадиган йўналишларда фаолият юритишини рафbatлантиради. Иккинчиси эса атроф-муҳитга салбий таъсир қўрсатадиган товарлар ёки фаолият учун тўғридан-тўғри ёки билвосита тўловни ўрнатиш орқали амалга оширилади [1].

Ниязметовнинг таъкидлашича, тўлақонли ҳар қандай давлат сиёсатида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш жуда нозик масала бўлиб, бу жараённи назорат қилишда солиқ сиёсатининг ўрни катта. Бироқ, Марказий Осиё мамлакатлари солиқ тизимида экологик солиқларнинг роли деярли йўқ. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида солиқларга асосланган фискал воситалар ҳали ҳам паст даражада ривожланган. Бу туркумга кирувчи солиқларнинг борлари ҳам асосан акциз характеристидаги рента солиқлари ҳисобланади [2].

Tchorzewska ва бошқалар томонидан билдирилган фикрга кўра, саноат чиқиндиларини камайтириш ва яшил технологияга мослашиш учун экологик солиқлар мавжуд бўлиши керак деган тушунча мавжуд бўлса-да, амалга оширилган эмпирик таҳлиллар ёрдамида олинган натижалар мазкур фикрни тўлиқ қўллаб-қувватлаш учун етарли эмас.

Қолаверса, экологик солиқлар ва давлат бюджетини шакллантириш ўртасида боғлиқликнинг мазкур масалада давлат сиёсатини ишлаб чиқишига таъсирини ўзида акс эттирган тадқиқотлар етарлича эмас [3].

Юқоридаги фикрлар шархидан кўринадики, ҳалқаро амалиётда экологияни асрашда солиқлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Натижада, замонавий солиқ муносабатларида янги иштирокчилар ва ўзига хос айрим жиҳатлар шаклланниб бормоқда. Замонавий солиқ тизимини шакллантиришда экологияни асрашга қаратилган солиқ муносабатларини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Демак, давлатлар солиқ муносабатларини самарали ташкил этишда экологик омилларни ҳам инобатга олишлари лозим.

Солиқ сиёсати муаммоларига оид тадқиқотлар ичida корпорацияларни солиқка тортиш билан боғлиқ масалалар ҳам кенг тарқалган. Жумладан, А.Ҳалим ва М.Раҳман ўз тадқиқотларида корпоратив тузилмалар томонидан тўланадиган солиқлар ҳажмини ошириш солиқка тортилгандан кейинги фойдани пасайтириши ҳақида фикр юритишиган. Уларнинг фикрича, иқтисодий ўсишни юқори солиқлар бўғиб қўйиши мумкин, бу эса инновацион фаолият ва инвестицияларга тўсқинлик қилиши мумкин [4]. Бундан кўринадики, давлат томонидан солиқ тизимини самарали ташкил этишда корпоратив солиқ муносабатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Tran ва Wende эса ўз мақоласида давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини келтиришиган. Уларнинг таъкидлашича, давлат молиясини ўрганишда солиқ тизими ва солиқ сиёсатини баҳолашнинг иккита асосий ёндашув мавжуд. Улардан бири нормал ёндашув бўлиб, оптимал солиқ тизимини ўрганади. Иккинчиси ижобий ёндашув ҳисобланниб, ортиқча солиқ юки ва мавжуд солиқ тизими ўртасидаги боғлиқликни ўрганади. Мазкур ёндашув давлат молияси ва реал солиқ сиёсатини ишлаб чиқишида узоқ вақтдан бери қўлланилади [5]. Демак, самарали солиқ муносабатларини шакллантиришда солиқ юки даражасига алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда унинг мавжуд солиқ тизимига ҳамда мамлакат иқтисодиётига таъсири баҳоланиши лозим.

Солиқ соҳасига алоқадор назарий адабиётлар ва илмий ишларнинг аксарияти солиқ маъмурчилиги муаммоларига бағишлиланган. Хусусан, Bassey ва бошқалар фикрига кўра, бутун дунё бўйлаб солиқ тўловчилар тажрибасини ошириш учун солиқ маъмурчилиги турли хил ва мураккаб электрон хизматлар билан юқори даражада рақамлаштирилган. Шунга қарамай, ракамли солиқ тизимининг муваффақияти учун муҳим бўлган омилларни тушуниш жуда муҳимдир [6]. Солиқ муносабатларида самарадорликни оширишнинг кенг тарқалаётган йўлларидан бири электрон платформалар хизматларидан фойдаланишdir. Бунда турли фирибгарликлар ҳамда солиқ органларига нисбатан ишончсизликнинг олди олиниши мумкин.

Chowdhury ўз ишида солиқ маъмурчилиги тизимидағи энг долзарб муаммолардан бирини

күттарган. Унинг таъкидлашича, солиқ тўлашдан бўйин товлаш дунёнинг ҳамма жойида кенг тарқалган муаммо ҳисобланади. Бир томондан, айрим рағбатлантириш механизмлари, иккинчи томондан, назорат механизмлари одамларни рағбатлантириш, шунингдек, уларни мунтазам равишда солиқ тўлашлари учун қандайдир босим яратиш учун зарур эканлиги таъкидланади [7]. Солиқ муносабатларининг шаффоф ташкил этилиши ҳамда очиқлик тамойилига риоя қилиниши солиқ тўловчиларнинг солиқдан қочиш ҳолатларини қисқартиришга ёрдам беради.

Элмираев ва Курбанкуловаларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон солиқ қарзларини бошқаришда тизимли ёндашувнинг тегишли элементларини танлаши керак, масалан, фискал ва мувофиқлик рискларини тўғри аниқлаш, устуворликни самарали белгилаш, солиқ маъмурчилиги функциясига тегишли ва етарли эътибор бериш кабилар шулар жумласидандир [8]. Солиқ муносабатларини ташкил этишда солиқ рискларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши солиқ тушумларини прогнозлаш ва режани бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

Geschwind ва Roesel таъкидлашича, солиқлар давлат сиёсатини юритишида асосий восита ҳисобланади. Агар солиқ тизимлари ўз самарасини бермаса, фуқаролар тенгсизликни камайтириш учун норозиликларни бошлашлари мумкин. Хукуматлар молиявий ва сиёсий эҳтиёжларга кўра солиқ институтларини мослаштириши мумкин [9]. Таъкидлаш лозимки, солиқ муносабатлари иштирокчилар учун тенг даражада шаклланмаса ва солиқ тизими барча учун тенг манфаатли бўлмаса, мазкур мамлакат зудлик билан ислоҳотлари ўтказиши ҳамда солиқ тўловчилар норозилигининг олдини олиши зарур.

Юқоридаги олимлар ва тадқиқотчиларнинг

ёндашувларига қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, мамлакатда солиқ сиёсатини самарали юритиши, оптимал солиқ тизимини шакллантириш масалалари мамлакатимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, солиқ муносабатларини тўғри йўлга қўйишнинг илгор хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда миллий амалиётга мослаштириш бугунги кундаги энг муҳим масалалардан биридир.

Тадқиқот методологияси

Халқаро амалиётда солиқ муносабатларининг айрим жиҳатларини тадқиқ қилишда таққослама таҳлил ҳамда статистик гуруҳлаш методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Давлат бюджети даромадларини шакллантирувчи солиқ органларининг асосий вазифаси солиқ қонунчилигига риоя этилишини таъминлашдан иборат. Уларнинг самарадорлиги иқтисодиётнинг аҳволи, хукуматнинг устувор йўналишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва солиқ тўловчиларнинг солиқ қоидаларига риоя қилишга тайёрлиги каби турли хил ташқи омилларга боғлиқ. Доимий ўзгарувчан шароитда солиқ органлари ўзларининг мақсадлари нимадан иборат эканлигига аниқ эътибор қаратишлари ва улар мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш учун ўзларининг операцион ёндашувлари ва тартибларини доимий равишида кўриб чиқишлиари зарур.

1-жадвалда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар мисолида ўтказилган таҳлил келтирилган бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан солиқ тушумлари улуши қайд этилган.

1-жадвал

Мамлакатларда ЯИМга нисбатан солиқ тушумлари улуши кўрсаткичлари

№	Мамлакатлар	ЯИМга нисбатан солиқ тушумлари (% да)		
		2019	2020	2021
1.	Австрия	42,6	42,2	43,5
2.	Бельгия	42,4	42,5	42,0
3.	Канада	33,1	34,3	33,2
4.	Чили	21,0	19,4	22,2
5.	Чехия	34,8	34,7	33,8
6.	Дания	46,9	47,1	46,9
7.	Финляндия	42,3	41,8	43,0
8.	Франция	44,9	45,3	45,1
9.	Германия	38,6	37,9	39,5
10.	Венгрия	36,4	36,1	34,0
11.	Исландия	34,9	36,1	35,1
12.	Ирландия	21,9	19,9	21,1
13.	Италия	42,3	42,7	43,3
14.	Жанубий Корея	27,2	27,7	29,9
15.	Мексика	16,3	17,8	16,7

16.	Нидерландия	39,3	40,0	39,7
17.	Норвегия	40,1	38,8	42,2
18.	Польша	35,1	35,5	36,8
19.	Португалия	34,5	35,3	35,8
20.	Испания	34,7	36,7	38,4
21.	Швеция	42,8	42,3	42,6
22.	Швейцария	27,3	27,5	28,0
23.	Турция	23,1	23,9	22,8
24.	Буюк Британия	32,2	32,1	33,5
25.	АҚШ	25,2	25,8	26,6

1-жадвалга кўра, таҳлил қилинган мамлакатлар орасида солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши бўйича 2019-йилда Дания (46,9 фоиз) етакчилик қилган бўлса, ундан кейинги ўринларни Франция (44,9 фоиз) ва Швеция (42,8 фоиз) банд этган. Мазкур кўрсаткич бўйича 2020-йилда 47,1 фоиз билан ҳамда 2021-йилда 46,9 фоиз билан Дания етакчилик қилганигини таъкидлаш лозим. Катта еттилик давлатларида турлича кўрсаткичлар мавжуд. Хусусан, 2021-йилда солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда 26,6 фоиз, Буюк Британияда 33,5 фоиз, Италияда 43,3 фоиз, Германияда 39,5 фоиз, Францияда 45,1 фоиз, Канадада 33,2 фоиз натижани қайд этган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг юқори эканлиги ҳар доим ҳам ижобий ҳолатдан далолат беравермайди. Хусусан, Ниязметовнинг фикрича, мамлакатдаги юқори фискаллик, аксинча, айrim давлатлarda яширин иқтисодиётнинг кучайганлигидан бўлиши ҳам мумкин. Чунки, иқтисодий фаолият турлари, оборотлар, даромадлар, мулклар ва бошқа солиқка тортиш мумкин бўлган объектларнинг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги охир-оқибатда ялпи солиқ базаларининг торайишига олиб келади. Тор солиқ базаси эса юқори солиқ ставкаларини талаб қилади. Бундан ташқари, солиқ юки кўрсаткичи иқтисодиётнинг қай даражада ривожлангани ёки мамлакатларда ижтимоий ҳимоянинг қай даражада таъминланганига баҳо

беришга ягона асос бўла олмайди. Бу кўрсаткичининг даражаси мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий сиёсати хусусиятлари, уларда табиий ресурслар ҳолати, аҳолиси, географик жойлашуви ва бошқа қатор омиллар таъсирида шаклланади [11].

2-жадвалда халқаро солиқ рақобатдошлиги индексининг 2022-йилдаги ҳисоботи натижаларидан маълумот келтириб ўтилган. Мазкур халқаро индексда солиқ рақобатдошлиги бўйича Эстония биринчи ўринни қайд этганлигини кўришимиз мумкин. Кейинги ўринларни 89,9 балл билан Латвия ҳамда 89,7 балл билан Янги Зеландия банд этган. Шунингдек, солиқ турлари бўйича ҳам рейтинг ишлаб чиқилган бўлиб, бунда корпоратив солиқлар, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар, истеъмолга солиқлар ҳамда мулк солиғи бўйича рейтинглар шакллантирилганлигини кўриш мумкин.

2-жадвалда халқаро солиқ рақобатдошлиги индексининг 2022-йилдаги ҳисоботи натижаларидан маълумот келтириб ўтилган. Мазкур халқаро индексда солиқ рақобатдошлиги бўйича Эстония биринчи ўринни қайд этганлигини кўришимиз мумкин. Кейинги ўринларни 89,9 балл билан Латвия ҳамда 89,7 балл билан Янги Зеландия банд этган. Шунингдек, солиқ турлари бўйича ҳам рейтинг ишлаб чиқилган бўлиб, бунда корпоратив солиқлар, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар, истеъмолга солиқлар ҳамда мулк солиғи бўйича рейтинглар шакллантирилганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал

Халқаро солиқ рақобатбардошлиги индекси рейтинг кўрсаткичлари

№	Мамлакатлар	Умумий рўйхатдаги ўрни	Умумий натижаси	Солиқ турлари бўйича эгаллаган ўрни			
				Корпоратив солиқлар	Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар	Истеъмол солиқлари	Мулк солиғи
1.	Эстония	1	100,0	2	1	14	1
2.	Латвия	2	89,9	1	4	26	5
3.	Янги Зеландия	3	89,7	32	7	1	2
4.	Швейцария	4	82,9	11	9	4	36
5.	Чехия	5	81,9	6	5	25	6
6.	Люксембург	6	80,6	26	14	6	14
7.	Венгрия	7	77,9	5	6	38	18
8.	Литва	8	76,9	3	11	31	7
9.	Турция	9	76,6	20	8	13	23

10.	Исроил	10	76,0	17	30	10	10
11.	Австралия	11	75,5	29	20	9	4
12.	Швеция	12	74,2	8	18	22	8
13.	Словакия	13	74,1	21	3	29	3
14.	Нидерландия	14	71,3	25	22	16	22
15.	Германия	15	70,2	30	26	15	11
16.	Канада	16	69,3	27	31	8	25
17.	Норвегия	17	69,0	15	23	23	16
18.	Австрия	18	68,6	23	32	17	15
19.	Коста Рика	19	67,5	36	33	7	12
20.	Финляндия	20	67,4	9	28	21	20
21.	Япония	21	67,3	33	16	5	27
22.	АҚШ	22	66,8	22	21	3	29
23.	Словения	23	66,1	7	12	32	26
24.	Бельгия	24	65,1	14	13	24	31
25.	Жанубий Корея	25	64,1	34	27	2	33

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, корпоратив солиқлар кесимидағи халқаро солиқ рақобатбардошлиги индексида Болтиқ бўйи мамлакатлари биринчи З таликка кирган. Бошқа солиқ турлари бўйича ҳам бу давлатлар юқори рейтинг кўрсаткичларига эга.

Халқаро амалиётда солиқ маъмурчилиги солиқ тизимини мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва солиқ тушумларини назорат қилиш билан шуғулланади. Бошқача айтганда, солиқ маъмурчилигининг асосий мақсади сифатида қонун билан белгиланган солиқларни йиғиш ва ундириш ҳисобланади.

Халқаро амалиётга эътибор қаратадиган бўлсак, солиқ органлари солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш, шу жумладан, рўйхатдан ўтмаганлик ва нотўғри рўйхатга олиш ҳолатларини аниқлаш, солиқ декларациялари ва учинчи шахслар маълумотларини қайта ишлаш, олинган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш, тўланиши керак бўлган солиқларни ҳисоблаш, қарзни мажбурий ундириш, шикоятларни кўриб чиқиш, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва ёрдам кўрсатиш, солиқка оид фирибгарликни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш, жарималар ва фоизларни ундириш каби функцияларни бажаришини кўришимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Халқаро амалиётда солиқ муносабатларининг айrim жиҳатларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

1. Солиқ маъмурчилигини самарали йўлга қўйиш солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида ижобий солиқ муносабатларини юзага келтиради ҳамда давлатга солиқ тушумларини кўпайтиришга хизмат қиласди. Хусусан, солиқ органлари томонидан солиқ хизматларини самарали ташкил этиш, солиқ тўловлари ҳисоб-китобларини аниқ юритиш, солиқ фирибгарликларини аниқлаш, солиқ жарималарини ундириш кабиларга солиқ маъмурчилигига эътибор қаратиш лозим.

2. Солиқ турлари ва солиқ ставкаларини қўллаш тартибини белгилашда халқаро амалиёт таҳлили инобатга олиниши зарур. Жумладан, хорижий солиқ тўловчилар учун икки давлатда солиқ тўлаш мажбуриятини англатадиган икки ёқлама солиққа тортиш амалиёти татбиқ қилинмаслиги лозим. Акс ҳолда, хорижий инвесторлар учун нокулай солиқ муносабатлари юзага келиши ҳамда мамлакатимиз хорижий инвесторларни жалб қилишда муаммоларга дуч келиши мумкин.

3. Экологияни ҳимоя қилишда халқаро амалиётда қўлланиладиган экологик солиқ амалиётини чуқурроқ ўрганиш ҳамда экологияни асрашга қаратилган солиқ механизмларини шакллантириш лозим. Мазкур амалиёт орқали заарарли чиқиндилар, заҳарли газлар чиқарувчи солиқ тўловчилар ўз фаолиятида инновацион технологияларни қўллаш орқали яшил технологиялардан фойдаланади. Натижада, экология камроқ заарланади ҳамда иқтисодиётда замонавий технологияларни амалиётда қўллаш бўйича ижобий натижаларга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Arthur Nicolaus Fendrich, Alberto Barreto, Gerd Sparovek, Giovani William Gianetti, Jaqueline da Luz Ferreira, Carlos Frederico Marés de Souza Filho, Bernard Appy, Carlos Mario Guedes de Guedes, Sergio Leitão. Taxation aiming environmental protection: The case of Brazilian Rural Land Tax. // Land Use Policy, Volume 119, August 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0264837722001910>
- Niyazmetov Islambek. Ways to Enhance the Ecological Orientation Taxation in the Republic of Uzbekistan // International Journal of Research in Social Sciences. Volume 8, Issue 5, May 2018, Pages 316-323 ISSN: 2249-2496 Impact Factor: 7.081 Journal Homepage: <http://www.ijmra.us>
- Tchorzewska K.B., Garcia-Quevedo J., Martinez-Ros E. The heterogeneous effects of environmental taxation on green technologies. // Research Policy, Volume 51,

- Issue 7, September 2022.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S004873322000671>
4. Md. Abdul Halim, Md. Mominur Rahman. The effect of taxation on sustainable development goals: evidence from emerging countries. // Heliyon, Volume 8, Issue 9, September 2022.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S240584402201800X>
5. Chung Tran, Sebastian Wende. On the marginal excess burden of taxation in an overlapping generations model. // Journal of Macroeconomics, Volume 70, December 2021.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0164070421000768>
6. Edidiong Bassey, Emer Mulligan, Adegboyega Ojo. A conceptual framework for digital tax administration - A systematic review. // Government Information Quarterly, Volume 39, Issue 4, October 2022.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0740624X22000909>
7. Dhiman Chowdhury. Tax Administration, Control & Performance. // Advanced Issues in Taxation, April 2001.
<https://www.researchgate.net/publication/350787314>
8. Elmirzaev S. & Kurbankulova N. (2016). Tax Arrears, Tax Compliance and Tax Debt Management in Uzbekistan: Existing Issues and Possible Solutions. Research Journal of Finance and Accounting, 2(7), 89-93. Retrieved from https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2885675
9. Stephan Geschwind, Felix Roesel. Taxation under direct democracy. // Journal of Economic Behavior & Organization, Volume 200, August 2022, Pages 536-554.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0167268122001949>
10. Revenue Statistics 2022 // The impact of COVID-19 on OECD tax revenues.
<https://www.oecd.org/tax/tax-policy/revenue-statistics-highlights-brochure.pdf>
11. Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солик тизими барқарорлигини таъминлаш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 2018. – Б. 138-139.
12. International Tax Competitiveness Index Rankings. Tax Foundation, 2022.
https://files.taxfoundation.org/20221013150933/International-Tax-Competitiveness-Index-2022.pdf?_gl=1*xg4rrm*_ga*MTc3MzY5ODQ1Mi4xNjc4NjgwMjc1*_ga_FP7KWDV08V*MTY3ODY4MDI3NS4xLjAuMTY3ODY4MDI3OS41Ni4wLjA